Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ 9 июль 1970 йил, пайшанба ◆ № 159 (14.625). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИЙЎЛ районидаги Киров номли колхознинг С. Бекжонов бошлиқ звеноси пахтакорлари юбилей йилида гектаридан олинадиган пахта ҳосилини 30 центнердан ошириш учун курашмоқдалар. Звенога қарашли пайкаллардаги ғўзалар тўртинчи комплекс парваришдан чиқарилди. А. Тўраев тасвиридаги бу суратда С. Бекжонов қулф уриб ўсаётган серҳосил ғўзаларни кўздан кечиряпти.

*

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҒЎЗА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1970 йилги социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш учун келган Тожикистон ССР, Туркманистон ССР ва Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси раҳбарларининг маълумотларини эшитиб, шуни қайд қиладики, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Ватан олдидаги бурчларини яхши ҳис этган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кучайтирмоқдалар, чорва моллар туёғи ва паррандалар сонини кўпайтириб, уларнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар.

Юбилей йили социалистик мажбуриятларини бажариш ва беш йиллик топшириқни муваффақиятли адо этиш учун курашаётган республика колхоз ва совхозлари ғалла, пилла тайёрлаш йиллик, гўшт, сут ва жун тайёрлаш ярим йиллик планларни муддатидан илгари бажардилар. Қорақўл тери ва тухум топшириш йиллик планлари ҳам бажарилиш арафасида турибди.

Шу билан бирга ўзаро текшириш бригадалари республиканинг бир қатор колхоз ва совхозларида ғўза парваришида агротехника қоидалари бузилаётганлигини аниқладилар. Ғўзани суғориш ва қатор ораларини юмшатишда узилишга йўл қўйилмоқда. Айрим майдонлар кўллатиб юборилаётган бўлса, бошқа бир майдонлардаги экин чўллатиб қўйилмоқда. Экинзорларда бегона ўтлар кўп. Шу сабабли ғўза ниҳоллари қисилиб қолиб, яхши ривожланмаяпти.

Бир қатор хўжаликларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши экинлар кимёвий усулда дориланмаган. Экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш ўринсиз равишда пайсалга солинаётир. Экин қатор ораларини тракторлар ва кетмон билан юмшатиш пайтида ниҳолларнинг қирқилиб кетишига гектарларда ўсимликнинг сийраклашиб қолишига йўл қўйилаётир.

Қардош республикалардан келган ўзаро текшириш бригадалари чорвачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам жиддий камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтдилар. Қатор колхоз ва совхозларда шоли, маккажўхори, беда, сабзавот ва полиз экинлари парваришига етарли аҳамият берилмаётир. Бу йил чорва молларига озуқа тайёрлаш учун жуда қулай келди. Лекин кўп хўжаликларда бу имкониятлардан яхши фойдаланилмаётир. Дағал хашак жамғариш, беда ўриш ва силослаш суст олиб борилмоқда.

Колхозчиларга, совхоз ишчиларига қулай маданий-маиший шароит яратишда ҳам камчиликлар бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир қатор районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи даврида ташкилотчилик ишларини сусайтириб юборганликларини, дала ва фермаларнинг меҳнаткашларига етарли амалий ёрдам бермаганликларини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз қарори билан область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитеглари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳар бир хўжаликда экинлар парваришининг аҳволини ўрганиб чиқиш, ўзаро текшириш бригадалари аниқлаган камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўриш вазифасини юклади. Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кучайтиришга қўшимча моддий-техника ресурсларини, колхоз ва совхозлардаги ишга яроқли кишиларни сафарбар этиш зарур. Ғўза парваришида табаналаштириш усулидан фойдаланиб, айрим майдонлардаги ривожланишдан орқада қолган экинларни бўлиш ғўзаларга етказиб олиш чораларини кўриш керак.

Шоли, сабзавот, полиз ва озуқа экинлар парваришини кучайтириш, ғалланы тез ўриб-янчиб олиш, дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришни кучайтириш, дала ишларида техникадан, сувдан юқори унумли фойдаланиш тадбирларини кўриш зарур.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, далада меҳнат қилаётган ҳамма кишиларнинг унумли ишлаши ва яхши ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратиш муҳим вазифадир.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, дала меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорларини бажаришга сафарбар этиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнат активлигини кучайтириш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлигини ошириш ва шу йўл билан 1970 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги ва мелиорация министрлиги, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси, «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, ҳамма ходимларнинг ташкилотчилик ролини кучайтириш, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан унумли ва тўла фойдаланишда хўжаликларга амалий ёрдам бериш вазифасини юклади.

Республика газета редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетига қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш 1970 юбилей йилидаги мажбуриятларини бажариш йўлидаги социалистик мусобақасини кенг ёритиш топширилди.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✻ Ғўза парваришини Янгиариқ райони пахтакорлари чақириғи асосида ташкил қилинг.

✻ *Ғўзаларни озиқлантиришни тезроқ тугалланг.*

✻ Июль ойи мобайнида ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсак бўлишини таъминланг.

✻ *Июль — ғўза парваришида зарбдор ой!*

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Руминия Социалистик Республикаси,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига асосланган абадий ва бузилмас дўстлик, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳар томонлама мустаҳкам ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат ва бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг туб манфаатларига мувофиқ эканлигига чуқур ишонганлари ҳолда,

Совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни, тарихий ўтмишда чуқур илдиз отган ва гитлеризмга қарши муштарак курашда чиниқтирилган ҳамда социализм ва коммунизм қуриш йилларида юксак даражага кўтарилган муносабатларни доим ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар иккала қўшни ва дўст давлат ўртасидаги ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликни ривожлантириш муддаоларига асосланган ҳолда,

социалистик давлатларнинг интернационал бирдамлиги социал тузумнинг муштараклигига, асосий мақсад ва ниятларнинг бирлигига таянганлигини, империализм ва реакцияга қарши курашнинг муштарак манфаатларига таянганлигини англаб,

социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини тинмай мустаҳкамлаш ҳамда НАТО ҳавфига жавобан 1955 йил 14 майда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшавада тузилган шартномада кўзда тутилган мажбуриятларга шу шартнома амалда бўлган даврда оғишмай риоя қилишга қатъий қарор бериб,

Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳавфсизликни мустаҳкамлашга Европадаги давлатлар ва бошқа давлатлар билан улардаги иқтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бериш, империализм, реваншизм ва милитаризмга қарши курашни астойдил истаганликларини изҳор қилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадлари ва принципларига амал қилиб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йил 4 февралда тузилган ҳамда муҳим мақсад ва принциплар таъсирлаб берилган шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратиб берди, деб ҳисоблаб,

ҳар иккала давлатнинг социализм ва коммунизм қурилишидаги тажрибаси ва ютуқларини, совет ва румин халқлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи ҳамда имкониятларини, шунингдек Европада ва бутун дунёда рўй берган ўзгаришларни эътиборга олиб,

ушбу шартномани тузишга қарор қилдилар ва шу мақсадда қуйидагилар хусусида бамаслаҳат келишиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар социалистик интернационализм принципларига мувофиқ, қардошларча ёрдам, ўзаро манфаат, суверенитети ва миллий мустақиллиги ни ҳурмат қилиш, ҳуқуқий тенглик ҳамда бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайдилар ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий, техникавий, маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантираверадилар.

Томонлар социализм ва коммунизм қурилишининг турли соҳаларида тажриба айирбошлашни кучайтирадилар.

2-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар принципларига, ўзаро ёрдам ва халқаро социалистик меҳнат тақсимоти принципларига амал қилиб, бундан буён ҳам ўзаро фойдали иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириб, кучайтираверадилар, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперативлаштиришнинг кенгайтираверадилар, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан ҳам иқтисодий алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадилар.

3-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасида фан, маориф, адабиёт ва санъат, матбуот, радио, телевидение, соғлиқни сақлаш, туризм, физкультура соҳасида ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириб кенгайтираверадилар.

4-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар социалистик давлатларнинг бирлиги ва жипслиги ҳозирги замон жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи кучи бўлган жаҳон социалистик системасининг мустаҳкамлиги ва енгилмаслигининг асосий манбаи эканлигига қаттиқ ишонганлари ҳолда, социалистик давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлида уларнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун оғишмай ҳаракат қилаверадилар.

5-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатига изчиллик билан амал қилганлари ҳолда, халқаро тинчлик ва халқлар хавфсизлигини империализм ва реакция агрессив кучларининг ҳамласидан ҳимоя қилиш учун, давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч воситалар билан ҳал этиш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш, мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишлари ва формаларини узил-кесил тугатиш учун, мустамлакачилик ҳукмронлигидан ҳалос бўлиб, миллий мустақиллик ва суверенитети мустаҳкамлаш йўлидан бораётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли чораларни кўрадилар.

6-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар Европада вазиятни яхшилаш ва тинчликни таъминлаш, суверенитет ва миллий мустақиллик, ҳуқуқий тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва ички ишларга аралашмаслик ҳамда Европа ҳавфсизлигининг самарали системасини вужудга келтириш принциплари асосида Европа давлатлари ўртасида ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун биргаликда ҳаракат қиладилар.

Ҳар икки томон Болқон ярим оролида ва Қора денгиз районида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш ҳамда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантириш чораларини кўрадилар.

7-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган давлат чегараларининг дахлсизлиги Европа хавфсизлигини таъминлашнинг асосий заминларидан бири эканлигини таъкидлайдилар.

Томонлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада тузилган шартномага мувофиқ, империализм, милитаризм ва реваншизм ҳар қандай кучлари томонидан агрессия қилинишига йўл қўймаслик учун, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш ва агрессорга зарба бериш учун шартномада қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда барча зарур чораларни кўришга азмиқарор берганликларини изҳор этадилар.

8-модда

Аҳдлашувчи олий томонлардан бири бирон давлат ёки давлатлар группасининг қуролли ҳужумига дучор бўлган тақдирда иккинчи томон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-моддасига мувофиқ, якка ёки коллектив равишда ўз-ўзини мудофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалга ошириш тартибида қуролли ҳужумни даф қилмоқ учун дарҳол ўз ихтиёридаги барча воситалар билан ҳар томонлама ёрдам беради, шу жумладан зарур ҳарбий ёрдам кўрсатади.

Томонлар ушбу моддага мувофиқ кўрилган тадбирлар ҳақида дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини хабардор қиладилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг низомларига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

9-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар ўз позицияларини бамаслаҳат келишиб олиш мақсадида ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига таллуқли бўлган барча муҳим халқаро масалалар юзасидан бир-бирлари билан маслаҳатлашиб турадилар.

10-модда

Аҳдлашувчи олий томонлар амалдаги халқаро шартномалар юзасидан олган мажбуриятлари ушбу шартнома қоидаларига зид эмаслигини таъкидлайдилар.

11-модда

Ушбу шартнома ратификация қилиниши ва ратификация қилинган ёрлиқлар айирбошланган кунда кучга кириши керак. Ратификация ёрлиқлари тез орада Москва шаҳрида айирбошланади.

Шартнома йигирма йиллик муддатга тузилади ва аҳдлашувчи олий томонларнинг бири шартноманинг тегишли муддати ўтишидан ўн икки ой олдин маълум қилиш йўли билан шартномани бекор қилмаса, шартнома муддати ҳар сафар ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилаверади.

Шартнома 1970 йил 7 июлда Бухарестда ҳар бири рус ва румин тилларида икки нусхада тузилди. Шартноманинг ҳар икки тексти бир хил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан **А. КОСИГИН.**

Руминия Социалистик Республикаси номидан **И. Г. МАУРЕР.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИ КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил 2 июлдаги Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалиги сохасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги доклади текстини кўп тиражда нашр этди.

Шу китобчада КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1970 йил 3 июлда қабул қилган қарори ҳам бор. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. ШЕРМУҲАМЕДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** Ўртоқ Саид Шермуҳамедов Ўзбекистон ССР маориф министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА.**
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

1970 йил, 8 июль
Тошкент шаҳри.

ЎРТОҚ Н. ЧАУШЕСКУ ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН БОШЧИЛИГИДАГИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШДИ

БУХАРЕСТ, 8 июль. (ТАСС). Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Н. Чаушеску СССР Министрлар Совети Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири К. В. Русанов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси А. В. Басов ўртоқлардан иборат СССР партия—ҳукумат делегацияси билан учрашди. СССР партия-ҳукумат делегацияси Руминия Компартияси Марказий Комитети ва Руминия ҳукуматининг таклифига биноан дўстона расмий визит билан Руминияда меҳмон бўлиб турибди.

Қабул маросимида И. Г. Маурер, Э. Боднараш, П. Нинулеску—Мизил, Г. Панз, Г. Рэдулеску, В. Трофин ва И. Вердец ўртоқлар, шунингдек РСР ташқи ишлар министри К. Мэнеску РКП Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири В. Влад, Румчиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Маринеску, кон саноати ва геология министри Б. Алмэшан қатнашдилар.

Руминия Социалистик Республикасида ва Совет Иттифоқида социализм ҳамда коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичи ва истиқболлари тўғрисида томонлар бир-бирларига маълумот бердилар. Томонлар ҳар иккала давлат ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳар тарафлама ҳамкорлик, қардошларча алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва кенгайтиришга умумий интилиш мавжудлигидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Суҳбат вақтида энг муҳим халқаро масалалар юзасидан ҳам батафсил ва фойдали фикрлашиб олинди.

Учрашув ўртоқларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик самимийлик вазиятида ўтди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУХАРЕСТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

БУХАРЕСТ, 8 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Бухарестдан Ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда А. Н. Косигин ва И. Г. Маурер ўртоқлар нутқ сўзладилар.

СССР Министрлар Совети Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Н. Косигин бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси шу куниёқ Москвага қайтиб келди.

РУМИН—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

БУХАРЕСТ, 7 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Бухарестдаги Республика саройида СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминияга қилган визитига бағишлаб, Румин—Совет дўстлиги митинги бўлиб ўтди. Уч мингдан ортиқ киши сиғадиган сарой залига Бухарест фабрикалари ва заводларининг, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, Руминия қуролли кучларининг генераллари ва офицерлари тўпланишди.

Митингда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Давлат кенгашининг аъзолари, министрлар, Руминия революцион ва ишчилар ҳаракатининг ветеранлари, Руминиядаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари қатнашдилар.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари А. Н. Косигин, М. А. Суслов, А. А. Громико, К. В. Русанов, А. В. Басов, Руминия раҳбарлари — И. Г. Маурер, П. Никулеску-Мизила, Г. Панэ, Г. Рэдулеску, И. Вердец ва бошқалар митинг президиумига чиққанларида залдагилар уларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Митингни Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, РКП Бухарест муниципал комитетининг биринчи секретари, Бухарест муниципал халқ кенгашининг раиси Д. Попа очди. У ўртоқ И. Г. Маурерга сўз берди.

ЎРТОҚ И. Г. МАУРЕР НУТҚИ

Ҳурматли меҳмонлар!
Азиз ўртоқлар!

Шу минбардан туриб мен Совет партия-ҳукумат делегациясини, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси ўртоқ Алексей Николаевич Косигинни ва қўшни дўст мамлакатдан келган бошқа меҳмонларни Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети номидан, бутун халқимиз номидан қизғин табриклайман.

Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномани — икки мамлакат ўртасида вужудга келган ҳар томонлама алоқаларнинг ҳозирги босқичини ва истиқболларини акс эттирувчи ана шу муҳим ҳужжатни бугун биз биргаликда имзоладик.

Вақт ўтаверган сари тобора мустаҳкамланаверган ва бундан буён кенгайиш учун катта имкониятлари бўлган Руминия — Совет муносабатларнинг чуқур аҳамиятини шу муносабат билан эслатиб ўтиш ғоят муҳим. Енма-ён яшаб турган ва ўз ўрталарида кўп томонлама муносабатларни ривожлантириб келаётган румин ва рус халқлари муштарак душманларга қарши олиб борилган курашларда ҳам кўп марталаб ёнма-ён турдилар. 1877 йил урушида душман бўлган эди. Шу уруш натижасида Руминия давлат мустақиллигини қўлга киритди. Ўша урушда рус армияси ва болгар ватанпарварлари кураш майдонида ёш миллий армиямиз билан бирга бўлиб жанг қилишди.

Руминия ва Россиянинг ишчилари, социалистик ҳаракати ўртасида интернационал бирдамлик алоқалари мустаҳкамланиб борди, бу алоқаларга Ленин юксак баҳо берди, румин пролетариатининг революцион қобилиятига бўлган ўзининг ишончини кўп марталаб изҳор қилди. Ишчилар синфимизнинг, Руминия социалистик ҳаракатининг чуқур интернационализми инсоният тарихида зўр бурилиш бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан бўлган бирдамликни акс эттирувчи кенг чиқишларимизда ўз ифодасини топди. Ўша вақтда бутун дунё халқлари каби мамлакатимизнинг миллион-миллион кишилари ҳам янги дунё тонги отиб келаётганлигини кўрдилар. Бу янги дунё одамларга фаровонликни таъминлаб бериши ва хусусан эксплуатация ҳамда асоратдан қутулган кишиларнинг инсоний фазилатларини барқарор қилмоқ учун тўла имконият таъминлаб бериши лозим эди. Октябрь революциясининг ғалабаси ўша йилларда қудратли революцион куч бўлиб, кўтарилаётган Руминия ишчилар ҳаракатини қанотлантириди. Румин меҳнаткашлари ва солдатларининг кўплари қўлларига қурол олиб, биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилишга киришдилар.

Бу олижаноб традицияларни Руминия Коммунистик партияси ўзига сингдириб олиб, давом эттириб, бошқа демократик сиёсий кучлар билан бирлашиб, реакцион режимларнинг антисовет сиёсатига қарши муросасиз кураш олиб борди, социализм мамлакати билан дўст ва иттифоқ бўлишни, Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасида яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатишни муттасил талаб қилиб келди.

Антонеску диктатурасининг мудҳиш йилларида Руминия Коммунистик партияси бутун халқимизнинг иродасини ва манфаатларини ифодалаб аввал бошданоқ антисовет урушга кескин қарши чиқди, шу туфайли партиянинг омма орасидаги таъсири тағин ҳам кўпроқ кучайди. Партия миллий қаршилик ҳаракатини ташкил этиб, унга бошчилик қилди, бу ҳаракат кенг ватанпарвар кучларни, мамлакатнинг барча ишлаб ва доно кишиларини ўз ичига олди. Душман билан бўлган шиддатли жанглларда совет кишилари кўрсатган қаҳрамонликнинг юксак намунаси фашизм қул қилиб олган барча халқларни курашга илҳомлантиргани каби румин халқини ҳам фашизмга қарши курашга илҳомлантирди. Нацистлар рейхини тор-мор келтиришга, инсониятни фашизмдан халос этишга Совет Иттифоқи қўшган ҳал қилувчи ҳиссани ва у берган оғир қурбонларни бизнинг халқимиз эъзозлайди.

Маълумки, Руминия Коммунистик партияси миллатнинг барча ватанпарвар кучларини яхлит қилиб жипслаштириб ва Совет Армиясининг порлоқ ғалабалари вужудга келтирган қулай шароитдан фойдаланиб, 1944 йил 23 августда қуролли қўзғолон ташкил этди ва шу тарика Антонеску диктатурасини агдариб ташлашни, Руминиянинг Советларга қарши олиб бораётган урушдан чиқиб, ўзининг барча моддий кучлари, одамлари ва харбий қуввати билан фашистлар Германиясига қарши курашга киришини таъминлади.

Шундан бери гарчи орада чорак аср вақт ўтган бўлса-да, аммо румин жангчиларининг совет жангчилари билан ёнма-ён туриб, бутун Руминия территориясини озод қилиш учун ва сўнгра мамлакат доирасидан четга чиқиб, Германия фашизмини батамом тор-мор келтиргунча олиб борилган жангларда кўрсатган марллиги шу дамгача ҳам ёркин хотира бўлиб ҳисобланиб келмоқда. Гитлеризмга қарши урушнинг машаққатли йўлларида румин армияси Совет Армияси билан бирга тўккан қон Руминия — Совет дўстлигини, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейин СССР халқлари билан барча социалистик мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва иттифоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Руминия халқаро муносабатларининг асосий белгиси бўлиб қолди. Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган шартнома бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлади ва бу алоқаларни тағин ҳам бақувватроқ негизга ўрнатди.

Шу йиллар ичида мамлакатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тўхтовсиз ривожланиб борди. Ўртоқ Чаушеску бошчилигидаги Руминия Коммунистик партиясининг делегациясига билан ўртоқ Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси ўртасида яқинда Москвада бўлиб ўтган учрашувда Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги алоқаларни, Руминия — Совет дўстлигини ҳар иккала халқнинг бахт-саодати йўлида тўхтовсиз ривожлантира бориш зарурлиги ва ҳар иккала томоннинг шундай қилишга тайёр эканлиги яна бир марта таъкидланди. Сўнгра биз, ўртоқ Косигин, сиз билан олиб борган музокараларда ҳар иккала ҳукумат икки ўртадаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ва кооперативлаштиришни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг баъзи масалаларини кўриб чиқди.

Руминиянинг ташқи савдо оборотида Совет Иттифоқи биринчи ўринни олиб турганлиги иқтисодий ҳамкорлигимиз миқёси кенгайиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли савдо битими асосида ҳар иккала томон бир-бирига етказиб бераётган молларнинг ҳажми бундан олдинги битимда мўлжалланганига нисбатан тахминан 30 процент кўпаяди. Маълумки, Совет Иттифоқи Руминияга машиналар, ускуналар, установкалар ва бошқа хил маҳсулотлар, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун техника ҳужжатлари етказиб бериб турди. Ўз навбатида Руминия Совет Иттифоқига машинасозлик, химия, металлургия саноатининг хилма-хил маҳсулотини, техника ҳужжатларини ва шу кабиларни етказиб бериб турди.

Ўз моҳияти эътибори билан ҳар иккала томон учун манфаатли бўлган иқтисодий ва илмий-техникавий кооперативлаштириш тобора катта салмоқ касб қилмоқда, бунга шу жумладан; Темир дарвоза районидаги гидроэлектростанция учун 178 мегаватт қувватли агрегатлар Руминияга етказиб берилиб, ишга туширилганлиги, мамлакатимизда ўрнатилган қуввати 400 мегаваттдан иборат атом электр станцияси қуриш тўғрисида яқинда тузилган битим, Руминияда бир қанча металлургия объектларини қуриш тўғрисидаги битимлар кўрсатиб турибди.

Маданият ва санъат соҳасидаги алоқалар яхши ривожланиб бораётганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтаман. Бу алоқалар халқларимизнинг ўзаро яхши танишиб олишларига ёрдам бермоқда.

Ижтимоий тузум, дунёқараш, социализм ва коммунизм мақсадлари сингари асосий таркибий қисмларнинг муштараклигидан келиб чиқаётган ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш имкониятлари иккала мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти тез ривожланаётганлиги туфайли тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Совет халқининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда эришган жуда катта муваффақиятлари бизга яхши маълум. Нисбатан, қисқа тарихий давр ичида СССР жуда катта моддий имкониятларга, тинимсиз ривожланиб ва такомиллашиб бораётган замонавий экономикага эга бўлган энг катта давлат бўлиб қолди. Фан ва техниканинг кенг майдонида Совет Иттифоқи эришган ютуқлар бутун дунёда юксак даражада эътироф қилинди. Ядро энергетикаси, космик фазони тадқиқ қилиш соҳасида ҳамда фан ва техниканинг ҳал қилувчи бошқа соҳаларида эришилган натижалар туфайли Совет Иттифоқи ҳозирги вақтдаги фан-техника тараққиётида етакчи ўринни олиб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси СССР халқларида бўлган ижодий қобилиятларнинг, улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида қилаётган самарали ишларнинг ёрқин ифодасидир. Бизнинг партиямиз, бизнинг давлатимиз, бутун румин миллати ана шу ютуқларни СССРда коммунизм қурилишига ва шунингдек жаҳон социалистик системаси, бутун дунёдаги тинчлик кучларини мустаҳкамлашга қўшилган ғоят катта ҳисса деб, ҳисоблаб, юксак даражада қадрлайди.

Маълумки, румин халқи кенг бунёдкорлик, ижодкорлик ишларини олиб бормоқда. Умуман бутун саноат ва халқ хўжалиги тез ривожланиб бораётганлиги, жамиятнинг моддий ва меҳнат ресурслари «тобора тўлиқ равишда ўзлаштирилаётганлиги, фан ва маданият тараққий эттирилаётганлиги. Ватанимизнинг барча гражданлари учун тобора яхшироқ турмуш шароити яратиб берилаётганлиги мана шу ишларнинг натижасидир. Партия X съездининг қарорлари, ҳар томонлама ривожланган социалистик жамият тўғрисида шу съездда қабул қилинган программа Руминиянинг яқин ўн йилга мўлжалланган ривожланиш истиқболларини чарғон қилиб, ёритди.

Халқимизнинг муваффақиятлари унинг завқ-шавқ билан қилаётган меҳнатининг, Руминия Коммунистик партияси сиёсатининг самарасидир. Бу сиёсат марксизм-ленинизм назарясини, социализмнинг муштарак қонуниятлари ва принципларини мамлакатимизнинг ўзига хос шароитларида ижодий татбиқ қилишга асосланмоқда. Халқимизнинг муваффақиятлари коммунистлар партияси ишчилар синфининг, социалистик миллатнинг ўзига ишониб топшириб қўйилган вазифанинг масъулиятини нақадар сезиб ва нақадар изчиллик билан бажараётганлигини кўрсатиб турибди. Партиянинг худди мана шу юксак фазилатлари бутун халқ партияга чексиз ишоҳаётганлигининг манбаидир. Бутун халқ партия кўрсатган йўлдан мана шундай ишонч билан олга бормоқда. Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети теварагида халқнинг жуда маҳкам жипслашганлиги социалистик Руминиянинг асосий реал фактидир. Бу эса социалистик қурилиш йўлидан муваффакият билан олга боришимизга ишончимизни мустаҳкамлайди. Коммунистик партия бошлаб бораётган йўлдан румин халқини ҳеч нарса ва ҳеч ким четга чиқара олмайди, румин халқининг Руминия диёрида янги жамият қуришига ҳалақит бериш ҳеч нима ва ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Ҳурматли меҳмонлар!
Азиз дўстлар!

Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг асосий ҳусусиятлари шундан келиб чиқадики, бу шартнома икки социалистик давлатнинг иттифоқини мустаҳкамлайди. Мамлакатларимизга ҳос бўлган социал-иқтисодий воқелик, улар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболининг эҳтиёжлари ва имкониятлари бу шартномага негиз бўлди.

Шу муносабатларга асос қилиб олинган принциплар шартнома моддаларида мустаҳкамланди. Унинг биринчи моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўз ўрталаридаги ҳамкорликни «Қардошларча ёрдам, ўзаро манфаат, суверенитет ва миллий мустақилликни ҳурматлаш, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида» ривожлантира беради.

Шартнома ўзининг бутун мазмуни билан Руминия — Совет дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Руминия бу ҳамкорликдан нихоят даражада манфаатдор бўлиб, энг хилма-хил соҳаларда Совет Иттифоқи билан муносабатларни муваффақиятли ривожлантиришга кўмаклашмоқ учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўришга махкам бел боғлаган. Бизнинг бу қатъий йўлимиз Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Николае Чаушескунинг қуйидаги сўзларида жуда равшан ифодаланган: «Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги бирдамлик ва дўстона алоқалар ҳар иккала мамлакатимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигига ва айни вақтда жаҳон социалистик системасини социализмнинг тараққиёт ва бутун дунёда тинчликнинг муштарак ишини мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигига аминмиз. Руминия Коммунистик партияси ва Руминия ҳукумати партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳаракат қилаверади».

Ҳурматли ўртоқлар ва дўстлар!

Янги Руминия-Совет шартномаси, ҳеч шубҳасиз, қатъий икки томонлама аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги замоннинг бир қанча айниқса муҳим проблемалари бўйича мамлакатларимизнинг позициясини шу шартноманинг белгилаб берган қоидаларидан келиб чиқаётган халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

Ҳозирги халқаро ҳаётнинг динамикаси социалистик мамлакатларнинг жаҳонда рўй бераётган жараёнларга ва ҳодисаларга таъсир ўтказишдаги муҳим ролини ёркин очиб бермоқда. Бироқ, шу нарса равшандирки, жаҳон социалистик системаси ўтказаётган таъсирнинг қуввати ва кучи шу социалистик системани ташкил этувчи мамлакатларнинг бирлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугун биз тузган шартномада мамлакатларимиз «Социалистик давлатларнинг бирлиги ва жипслиги жаҳон социалистик системаси мустаҳкамлигининг ва енгилмаслигининг асосий манбаидир», деб алоҳида уқтириб ўтдилар ва «Социалистик давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, уларнинг бирлигини социализм ва тинчлик ишининг манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлайверишга ҳамиша ҳаракат қилишга» ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини билдирдилар.

Партиямиз ва давлатимиз, ўзлари кўп марталаб айтиб ўтганларидек, социалистик мамлакатларни ва коммунистик партияларни бирлаштириб турган нарсалар улар ўртасидаги келишмовчиликлардан анча кучлидир, барча социалистик давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамламоқ учун объектив шарт-шароитлар бор, деб ҳисоблайдилар. Руминия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорлик ва кооперативлаштиришни такомиллаштиришга ва Варшава Шартномаси мудофаа иттифоқи доирасида олинган мажбуриятларга аниқ риоя қилишга бундан буён ҳам кўмаклашишга маҳкам бел боғлаган. Бу — мамлакатимиз умумий сиёсатининг таркибий қисмидир. Бу сиёсат жаҳон социалистик системасидаги барча мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга қаратилган сиёсатдир. Шу система таркибида бўлган эркин ва мустақил давлатларнинг социалистик интернационализм руҳидаги ҳамкорлиги ва бирлиги, бир-бирини ўзаро тўла ҳурматлаш ҳар бир мамлакатнинг ривожланишига, ҳар бир социалистик миллатнинг равнақ топишига ёрдамлашмоқда ва шу тарика социализмнинг жаҳондаги қуввати ва таъсирини ўстиришга ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Янги шартномада ҳам кўзда тутилганидек, мамлакатимиз социалистик давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш билан бир вақтда турли ижтимоий тузумдаги барча мамлакатлар билан ҳам халқаро ҳуқуқ ва аҳлоқ принципларини ҳурматлашга асосланган муносабатларни кенгайтираверади, инсон ақли ва қўли билан яратилган нарсаларнинг ҳамма сининг ер қуррасига ёйишга актив кўмаклашаверади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги дунёдаги бир қанча ҳодисалар, шулар қаторида айниқса яққол кўриниб турган жуда катта фан-техника революцияси барча давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ҳар бир мамлакат ва бутун инсоният тараққиётининг зарур омили сифатида, ҳаммани қириб юборадиган урушнинг бирдан бир алтернативи сифатида ривожлантираверишни объектив равишда талаб қилади.

Европада хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашга биз алоҳида аҳамият бермоқдамиз, шу мақсадга эришишга ёрдамлашиш мажбуриятларини янги шартнома асосида ҳам бизнинг мамлакатларимиз ўз зиммаларига олдилар. Бизнинг тушунчамизга кўра, хавфсизлик шундай хулоса яратиб бериши, шундай чоралар ва методлар системасини қабул қилиши керакки, бунинг натижасида зўравонликдан фойдаланиш мумкин бўлмайдиган бўлиб қолсин, давлат ўртасидаги ҳар қандай низо фақат тинчлик йўли билан ҳал қилиниши таъминлансин. Мана шу мақсадни кўзлаб Руминия давлатининг бошлиғи ва мамлакатимизнинг бошқа раҳбарлари кейинги вақтларда бошқа давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари ҳузурига кўп марталаб бордилар, улар билан алоқа қилдилар, музокаралар олиб бордилар.

Биз хавфсизлик масалаларини муваффақият қозониладиган қилиб кўриб чиқмоқ учун, умум Европа кенгашини тайёрламоқ ва ўтказмоқ учун ҳозирги вақтда бизнинг қитъамизда шарт-шароит вужудга келтирилган деб ҳисоблаймиз. Социалистик мамлакатларнинг янги фикр ва таклифларини ўз ичига олган ва яқинда эълон қилган меморандуми шу йўлдан муваффақият билан олга бормоқ учун, кенгаш ташкил этилаётганлиги муносабати билан Европа давлатлари ўртасида кенг келишув бўлишига эришмоқ учун имконият яратиб беради. Бизнинг фикримизча, барча манфаатдор давлатларнинг ижтимоий тузуми, катта-кичиклиги ва қувватидан қатъи назар, биргаликда ҳаракат қилишлари натижасидагина реал, самарали хавфсизлик вужудга келиши мумкин. Шу сабабли биз кенгашни тайёрлаш ва ташкил этишнинг ҳамма босқичларида барча мамлакатлар тенг ҳуқуқли бўлиб бевосита қатнашишлари лозим деб ҳисоблаймиз. Конструктив таклифларни кўриб чиқишда ҳамкорлик руҳида ҳаракат қилинадиган бўлса, ҳеч шубҳасиз бу ишда қатнашувчиларнинг ҳаммаси учун мақбул қарорларга келиш мумкин бўлиб қолади. Европа хавфсизлигини амалга ошириш усуллари муносабати билан Руминиянинг позицияси неча марта баён қилиб берилди. Бу мақсадга фақат астасекинлик билан, қитъадаги реал вазиятни мавжуд чегараларнинг дахлсизлигини, чет мамлакат ҳарбий блокларини ва чет мамлакатларнинг территорияларидаги базаларни тугатишни, барча қўшинларни ўз миллий чегаралари доирасига олиб кетишни, барча давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни ва ҳамкорликни ривожлантиришни эътироф қилишни назарда тутувчи жараён доирасидагина шу мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳамкорлик билан хавфсизлик ўртасида диалектик бир-бирига боғланиш бор. Ҳамкорлик хавфсизликни амалга ошириш воситаси бўлганидек, хавфсизлик ҳам ҳамкорликнинг чўққиси бўлиб, уни анча кенгайтириш учун шарт-шароит яратиб беради. Болқон ярим оролини тинчлик ва тинч-тотув яшаш районига, ядро қуролидан ҳоли зонага айлантирмоқ учун бу ярим оролда давлатлараро муносабатларни ривожлантираверишга Европа хавфсизлигини амалга ошириш жараёнида ижобий омил бўлур эди.

Ер қуррасининг турли нуқталаридаги ҳозирги аҳвол шуни кўрсатиб турибдики, агрессив империалистик доиралар халқларнинг эркинлиги ва осойишталигига қасд қилишдан қайтмаётирлар, бойруқвозлик ва давлатларни ички ишларига аралашиш сиёсатини ўтказмоқдалар, кескинлик ва можаролар манбаларини яратиб, шу манбаларни сақлаб турибдилар. Руминия мана шундай ҳукмронлик ва агрессия сиёсатига қарши чиқмоқда, эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳамма шакллари ва кўринишларини батамом тугатишни, мустамлакачилик асоратидан қутулиб, ўзининг миллий мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш йўлига кириб олган мамлакатларни қўллаб-қувватлашни, ҳар бир халқнинг эркин, мустақил ривожланишига йўл қўйиб беришни талаб қилмоқда.

Халқаро турмушнинг кейинги ўн йил ичидаги ривожланиши тинчлик бўлиммас эканлигини нихоят даражада равшан қилиб кўрсатди. Дарҳақиқат, ҳозирги даврга ҳос бўлган мана шундай жуда маҳкам ўзаро боғлиқлик шароитида ҳар қандай кескинлик манбаининг, ҳар қандай маҳаллий урушнинг кучайиб кетиши ва тарқалиб кетиши, муайян бир пайтга келиб бутун бир планетада тинчликни бузувчи омилга айланиб кетиши хавфи бор. Мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсатида марксизм-ленинизм принципларига амал қилиб келмоқда. Шу принципларга асосланиб Руминия ҳукумати Вьетнамдаги, Камбоджадаги ва Лаосдаги воқеаларга нисбатан ўзининг позициясини баён қилиб берди, Американинг агрессиясини тўхтатишни ва бу райондан чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетишни, халқларнинг ўз тақдирини ҳеч кимни аралаштирмай ўзи бемалол ҳал қилиш ҳуқуқини ҳурматлашни талаб этди.

Тинчлик, тараққиёт ва халқлар эркинлиги тўғрисида ҳам мана шундай ғамхўрлик қилиб келаётган Яқин Шаркда уруш ҳаракатлари кучайиб бораётганлиги ва кескинлик ўсиб бораётганлиги сабабли ташвишланаётган бизнинг мамлакатимиз шу райондаги можарони Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил ноябрда қабул қилинган резолюцияси асосида сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш кераклигини айтиб келмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, қуролланиш пойгаси давом этаётган, тўхтовсиз такомиллаштирилаётган ҳарбий техниканинг жуда катта запаслари тўпланаётган шароитда, бутун дунёда реал мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли халқларнинг энг қизғин талабларини бажармоқ, яъни ёппасига қуролсизланмоқ, айниқса ядровий қуролсизланмоқ учун амалий чоралар кўриш ниҳоят даражада зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тинчлик ўрнатишда анча актив роль ўйнаши мумкин. Бу ташкилотнинг универсаллигини таъминлаш унинг зиммасидаги катта масъулиятга муваффақ ролини оширишнинг муҳим шарти деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда коммунистик ва ишчилар ҳаракати инсоният жамиятининг эркинлик, социал тараққиёт ва тинчлик идеалларини амалга ошириш йўлидан ривожланиб боришига ҳал қилувчи таъсир ўтказа оладиган катта сиёсий куч бўлиб қолди. Руминия Коммунистик партияси бундан буён ҳам ўзининг бутун ғайратини сарфлаб, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирдамлигини ва жанговар бирлигини мустаҳкамлашга эришишга, ҳозирги кийинчиликларнинг бартараф қилинишига актив кўмаклашишга, барча коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантира бериш учун ҳаракат қилишга маҳкам бел боғлаган.

Жаҳон майдонидаги кучларнинг ҳозирги нисбатида антиимпериалистик кучлар, тинчлик ва тараққиёт кучлари устунлик қилиб турибди. Бу кучлар принципиаллик ва қатъият билан, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб, империалистик қора ниятлар йўлига ғов солиб қўйишлари, тинчликка эришишлари ва ҳозирги ҳамда келажак авлодларнинг осойишталигини таъминлашлари мумкин, бунга шак-шубҳа йўқ. Бугун тузилган шартнома халқларимизнинг революцион ғалабаларига қасд қилиш учун империализм ва реакция томонидан қилинадиган ҳар қандай уринишларга тегишли зарба бериш мақсадида бутун куч ва ғайратни ана шундай бирлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири эканлигини кўзда тутади.

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг Руминияга қилган визитингиз, биз имзолаган шартнома, олиб борган музокараларимиз мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларининг янги истиқболларини очиб беради, халқларимизнинг манфаатлари, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлида шу муносабатларни ривожлантиришда олга томон қўйилган янги қадам бўлади, деб умид қиламиз.

Румин халқининг қизғин дўстлик ҳисларини Совет Иттифоқи халқларига бориб айтишингизни, уларга бизнинг табрикларимизни ва янги муваффақиятлар тилаганлигимизни бориб айтишингизни совет партия-ҳукумат делегациясининг сиз ҳурматли аъзоларидан илтимос қиламиз.

Яшасин Румин — Совет дўстлиги!

Яшасин социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

* * *

Шундан кейин минбарга Совет делегациясининг бошлиғи ўртоқ А. Н. Косигин чиқди.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг делегациямиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг, Совет ҳукуматининг топшириғига биноан румин халқига ва унинг жанговар авангарди бўлган Руминия Коммунистик партиясига Совет Иттифоқи коммунистларининг, 240 миллионли бутун совет халқининг самимий, қардошлик саломини олиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳам сизларга ўзининг қизғин саломини айтиб қўйишни биздан илтимос қилди.

Бугунги кун мамлакатларимизнинг дўстлик алоқалари тарихига киради. Бундан бир неча соатгина аввал Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома Совет—Руминия ҳамкорлигининг программ-ҳужжатларидан биридир. Бу шартноманинг имзоланиши халқларимиз ҳаётида катта воқеадир, социалистик давлатларимизнинг дўстлик иттифоқини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишидаги янги катта қадамдир.

Социалистик мамлакатларнинг Коммунистик партиялари буржуа миллатчилик сиёсатига қарши, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳақиқатан тенг ҳуқуқли, чинакам дўстона муносабатлар ўрнатиш учун олиб бораётган ўзларининг изчил қурашлари билан халқаро муносабатлар тарихида янги саҳифа очдилар. Социализм мамлакатларининг қардошлик иттифоқини вужудга келди ва бу иттифоқни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат эса социалистик ҳамдўстлик аъзоси бўлган ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда, миллий экономика ва маданиятнинг равнақи учун, миллий мустақиллик ва суверенитетнинг мустаҳкамланиши учун энг қулай шароит яратиб бермоқда.

Бугун имзоланган Совет — Руминия шартномаси давлатлар ўртасида янги, социалистик типдаги муносабатларни ривожлантиришга совет ва румин коммунистлари, мамлакатларимизнинг ҳукуматлари биргаликда қўйган ҳиссадир. Бу шартнома Совет Иттифоқи билан Социалистик Руминия ўртасида йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери бўлиб келаётган дўстона ҳамкорлик якунларини ва шу билан бир вақтда дўстлигимизни янада ривожлантириш программасини ўз ичига олади. Бу шартнома урушдан кейинги биринчи йилларда туғилган бундан олдинги Совет—Руминия шартномаларининг шонли традицияларини давом эттиради.

Ўша йилларда мамлакатларимизнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Руминиянинг Совет Иттифоқи билан шартномага асосланган дўстона муносабатлар ўрнатганлигини қизғин табриклаган эдилар. Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партиянинг олтинчи съездига берган сиёсий ҳисоботида айтилган эдики, «Узоқ вақтлардан бери империалистлар бизнинг мамлакатимиздан Совет Иттифоқи

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН НУТҚИ

(Боши иккинчи бетда).

Маданият соҳасидаги ҳамкорлигимиз анча бойиди. Туризм ривожланмоқда, театр коллективларини бир-биримизга мунтазам равишда юбориб турибмиз, шаҳарлар ҳам бир-бирига делегациялар юбориб турибди. Совет ва Румин меҳнаткашларининг бир-бирлари билан бевосита муносабатда бўлишлари жуда кўп ўртоқлиқ алоқаларини вужудга келтиради. Бу эса социалистик мамлакатлар дўстлигининг муҳим негизларидан бирини ташкил этади.

Социализм мамлакатларининг ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлиги уларнинг хўжалик ва сиёсий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишига ёрдам берувчи муҳим омилдир. Социалистик давлатларнинг муваффақиятлари аввало шу мамлакатлар халқлари қилган фидокорона меҳнат натижасидир, албатта. Лекин мамлакатларимиз янги жамият қуриш борасидаги яратувчилик меҳнатига ўз кучларини бериб кўйиш имкониятига эга бўлганликлари, улар душман синфий кучларининг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий тазйиқига, империализм дунёсининг доимий ҳамласига муваффақиятли равишда қаршилик кўрсатаётганликлари, аввало, социализм мамлакатлари бирдамлиги ва ҳамкорлигининг натижаси, социализм мамлакатлари социалистик интернационализм сиёсатини ўтказиб келаётганликларининг натижасидир. Дўстлик, иттифоқ ва қардошларча ўзаро ёрдамлашиш кучларимизни кўп марта кўпайтиради, барча мамлакатларимизнинг тараққиёт йўлида олга боришини тезлаштиради.

Бу ерда Ўртоқ И. Г. Маурер Руминиядаги социалистик қурилишнинг муваффақиятларини гапириб ўтди. Румин халқининг бу муваффақиятларидан совет кишилари астойдил хурсанд. Мамлакатингиз экономикаси юксала бораётганлиги, мамлакатингиз фанининг ютуқлари, маданиятингиз ўсиб бораётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Руминия Коммунистик партияси бошчилигида румин ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, зиёлилари қилаётган жуда катта бунёдкорлик ишининг натижасидир.

Ривожланишнинг социалистик йўлигина халқларга чинакам озодлик келтиради ва халқларнинг моддий ва маънавий, ижодий кучларини яшнатади, ҳар қандай қийинчиликларни ва синовларни енгишга имконият очиб беради, деган ҳақиқатни Руминиянинг мисоли қайта ва қайта исботламоқда.

Бу ерда, Социалистик Руминия меҳнаткашларининг вакиллари билан бўлаётган ана шу учрашувда Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш қандай бораётганлиги тўғрисида ҳам бирикки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Миллий республикаларнинг ҳаммасида, Совет Иттифоқининг ҳаммасида қисмларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ўсиши давом этмоқда. Бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари каби Совет Иттифоқи миллий республикаларининг халқлари ҳам ажойиб йўлни босиб ўтдилар. Илгари вақтларда чор Россиясининг ҳукуллаган ва мазлум чекка ўлкалари эндиликда юксак даражада ривожланган индустриядга ва интенсив ривожланаётган қишлоқ хўжалигига эга. Бу республикалар коммунизм қурилаётган Совет Социалистик Республикалари ягона оиласининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. Уларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик, чуқур интернационал маданияти тақкослаб бўлмайдиган даражада ўсиб кетди. Ўзоригги кунда барча совет кишилари ва совет коммунистлари ҳам бу муваффақиятлар тўғрисида қонуний равишда фахрланиб гапира оладилар, бу муваффақиятларни ленинча миллий сиёсатни жуда катта миқёсда амалга оширишнинг намунаси қилиб, ленинча интернационализм принципларининг таъсирчан кучини яққол кўрсатувчи далил қилиб кўрсата оладилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг саккизинчи беш йиллик плани ярим йилдан кейин бажарилиб бўлади. Беш йилликнинг асосий топшириқлари муваффақиятли бажарилади, деб ҳозирнинг ўзидаёқ бемалол айтиш мумкин.

Буни фактлар билан кўрсатмоқ учун фақат бир неча рақам келтираман. 1970 йилда Совет Иттифоқида 740 миллиард киловатт соат, яъни урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан 15 баравар кўп электр энергия ишлаб чиқарилади. Бу йил биз 350 миллион тонна, яъни урушдан олдинги йилдагига қараганда 11 баравар кўп нефть чиқариб оламиз. Мамлакатимизда қазиб олинаётган ва ишлаб чиқарилаётган газ 197 миллиард куб метрга етади, бу эса урушдан олдинги йилда қазиб олинган ва ишлаб чиқарилган газдан тахминан 60 баравар ошиб кетади. Биз 115 миллион тонна, яъни 1940 йилдагига қараганда олти баравардан зиёдроқ кўп пўлат ишлаб чиқарамиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш анча кўпайди. Ушбу беш йилликнинг тўрт йили мобайнида доннинг ҳар йилги ўртача ялпи ҳосили бундан олдинги беш йилдагига нисбатан 32 миллион тонна кўпайди. Партиямиз қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўлини муттасил ўтказиб келмоқда. Яқин йиллар ичида біз деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш даражасини яна ҳам юқори поғонага кўтармоқчимиз.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги муваффақиятлар совет кишиларининг турмуш даражасини юксалтириш борасида беш йилликка мўлжаллаб қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилишимизга имкон берди. Совет Иттифоқида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар кейинги беш йил ичида 33 процент кўпаяди. Мамлакатда ҳар йили 2 миллион 300 мингга яқин янги иш ўринлари фойдаланишга топширилмоқда, ҳар йили 11 миллионга яқин киши мамлакатимизда янги уйларга кўчиб ўтмоқда. Ушбу беш йилликда биз ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг минимал миқдорини 33-50 процент ошириша муваффақ бўлишга, бир қанча категориялардаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ставкаларини ошириш-га муваффақ бўлдик. Ватан уруши инвалидларининг пенсиялари кўпайтирилди, қишлоқда пенсия таъминоти системаси вужудга келтирилди, ижтимоий истеъмол фондларидан берилаётган тўловлар ва имтиёзлар муттасил оширилмоқда, отпускалар муддати кўпайтирилди. Меҳнат унумдорлиги ошиб борганлиги базасида иш вақти аста-секин қисқариб бормоқда ва меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайиб бормоқда. Совет кишилари ўз билимлари ва малакаларини ошириш учун, дам олиш ва ўзларининг маънавий талабларини қондириш учун яхши имкониятларга эгадирлар. Мана шуларнинг ҳаммаси социал сиёсатимизнинг жиддий муваффақиятларидир.

Албатта, экономикамиз ривожланиб борган сари, халқнинг моддий даражаси ва маданий савияси ўсиб борган сари совет кишиларининг талаблари ҳам ўсаверади, бу эса янги проблемаларни келтириб чиқаради, янги вазифаларни олдимизга қўяди. Партия ва ҳукумат буларга ҳар доим эътибор бериб келмоқдалар, совет халқининг фаровонлигини янада оширишни биринчи даражадаги вазифалардан бири қилиб қўймоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш, коммунистик қурилиш масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг активлигини янада кўпроқ ошириш масалаларига ижодий ёндошмоқда. Партиямизнинг съездларида, партиямиз Марказий Комитетининг Пленумларида ҳар томонлама иқтисодий ва социал тараққиётни таъминлайдиган энг самарали йўллар ва воситалар белгилаб берилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми жуда катта аҳамиятга эга бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг докладида ва шу Пленумнинг қарорида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш программаси белгилаб берилди. Бу программани бажариш барча совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишга янги ғоят катта хисса бўлиб қўшилади.

Партиямиз, ҳукуматимиз, бутун халқимиз ҳозирги вақтда ўзининг куч-ғайратини сарфлаётган ҳал қилувчи вазифалардан бири, у ҳам бўлса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, халқ хўжалигини энг янги техника билан қайта қуроллантириш, экономикани бошқаришни такомиллаштириш вазифасидир. Фан-техника тараққиётининг натижаларидан ҳар томонлама фойдаланиш, фан-техника муваффақиятларини социал мақсадларимиз билан қўшиш жаҳондаги иккинчи система ўртасидаги тарихий мусобақанинг бутун бориши учун жуда катта аҳамиятга эга масаладир. Социализм мамлакатларининг ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлик қилиши шу катта вазифани социалистик мамлакатларда ҳал қилишга ёрдам берувчи муҳим омилдир. Мана шундай ҳамкорлик туфайли шу мамлакатлардан бирининг тажрибаси ва муваффақияти бошқалар учун ҳам наф келтирадиган бўлиб қолади.

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи, Руминия, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз тараққиётларида ҳозирги кунда урушдан кейинги дастлабки йиллардаги даражадан анча ўзиб кетдилар. Социализм дунёси қудратли иқтисодий потенциалга эга. Унинг халқаро майдондаги обрўйи, позицияси барқарор ва тўхтовсиз мустаҳкамланиб бормоқда. Миллион-миллион одамлар ўзларининг ривожланишлари учун социалистик мамлакатлар ўрнак эканлигини кўриб турибдилар. Социалистик дунё, унинг интернационалистик сиёсати бутун дунё халқларининг революцион озодлик ҳаракатини юксалтириш учун рағбатлантирувчи қудратли куч бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда бутун социалистик дунёнинг зиммасига тарих олдида катта масъулият юкланган.

Социалистик давлатларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатларда ҳам шу йиллар мобайнида кўпгина янгиликлар вужудга келди, қимматли ва хилма-хил тажриба тўпланди. Табиийдирки, бу ўзгаришлар ячки Шартномамизнинг текстида ҳам ўз ифодасини топди.

Икки томонлама муносабатларнинг формалари ривожланиб ва бойиб бораётганлиги билан бир қаторда социализм мамлакатларининг кўп томонлама ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилди ва ривожланиб бормоқда. Европанинг социалистик мамлакатлари ўзларининг сиёсий ва мудофаа соҳасидаги куч ва ғайратларини Варшава Шартномаси ташкилоти орқали координация қилмоқдалар ва бирлаштирмоқдалар. Мана ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан бери бизнинг жанговар иттифоқимиз Европадаги стабеллик ва тинчликнинг қудратли омили бўлиб, социализм ва халқларо ҳавфсизлик манфаатларига яхши хизмат қилиб келмоқда. Совет—Руминия шартномаси империалистик таҳдидларга жавобан социализм мамлакатлари тузган Варшава Шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларга доимий содиқликни тантанали равишда таъкидлаганлиги ҳам жуда табиийдир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида катта роль ўйнамоқда. Шу йиллар ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши да кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида катта иш олиб борилда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXIII ва XXIV сессияларининг қарорлари бизга шуни кўрсатиб турибдики, агар мамлакатларимизнинг ҳаммаси зарур куч ва ғайрат сарфласалар, ҳар бир социалистик мамлакатнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг экономикасини юксалтиришда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фойдали роли тобора кўпроқ кучая беради, деб ишонч лаш учун бизда ҳамма асослар бор. Социалистик иқтисодий интеграция жараёни — социалистик мамлакатларнинг баб баравар қимматта эга бўлган ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва авж олдириш жараёнидир. Бу жараён барча социалистик мамлакатларнинг манфаатларини баб баравар ҳисобга олади ва ҳар бир айрим социалистик мамлакатнинг ихтиёрий қатнашуви асосида амалга оширилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши шундай ҳамкорлик органидирки, унинг фаолиятида социалистик тузумнинг моҳияти ўз ифодасини топади. Бу ҳамкорлик органида айрим мамлакатлар учун манфаатли бўлган қарорларнинг бошқа мамлакатларга зўрлаб қабул қилдириш сингари аҳвол вужудга келиши мумкин эмас. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларнинг ҳамкорлиги тенглик ва бир-бирининг миллий суверенитетини ҳурматлаш принципларига асосланади. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи билан Руминия ўзлари тузган Шартномада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида, шунингдек социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам иқтисодий алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишга ўзларининг тайёр эканликларини айтдилар.

Янги Совет—Руминия Шартномасида социалистик давлатлар интернационал бирдамлигининг аҳамияти, империализмга ва реакцияга қарши курашнинг муштарак манфаатлари уқтириб ўтилди. Бунинг аҳамияти жуда катта.

Кучли ва ҳавфли империалистик ёв социалистик мамлакатларга қарама-қарши турибди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг бултур бўлиб ўтган халқаро Кенгаши ҳақли равишда уқтириб ўтганидек, империализм агрессив стратегиясининг тиғи аввало социалистик давлатларга қарши қаратилган. Кенгаш «Социализмни ҳимоя қилиш — коммунистларнинг интернационал бурчи» эканлигини уқтириб ўтди.

Капиталистик давлатларнинг сиёсатида реалистик ўзгаришлар содир бўлганида ёки буни ҳисобга оламиз ва халқаро проблемаларни тинч ҳал қилиш йўлларини топиш чораларини кўрамиз. Шу билан бир вақтда биз ўз ташқи сиёсатимизда шу нарсани ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмаски, империализм ижтимоий ривожланишнинг боришини куч билан ўзгартириш умидидан асло воз кечгани йўқ. Шу сабабли революцион хушёрлик кеча бизга керак бўлганидек бугун ҳам керак.

Қўшма Штатлар қаҳрамон Вьетнамга қарши қилаётган агрессиясини давом эттирмоқда. АҚШ Камбоджа территориясига қуролли бостириб кириша тайёрланиб, бу ерда давлат тўнтаришни қилди, сўнгра эса бу ботафар мамлакатга нисбатан агрессияни бошлаб юборди. Лаоснинг суверенитети аввалгидек андишасизлик билан поймол қилинмоқда. Хинди-Хитой ярим оролининг халқлари Америка империализми агрессиясига қарши курашни кучайтирмоқда.

Яқин Шарқда Вашингтон рағбатлантираётган ва қўллаб-қувватлаётган Исроил Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва жаҳон афгор оммасига сурбетлик билан дағдаға қилиб, босиб олинган араб ерларини ҳануз ўз чангалида ушлаб турибди, қўшни давлатларга босқинчилик билан ҳужумлар қилишни тўхтатмаётир, Яқин Шарқ танглигини бартараф қилиш йўлига янгидан-янги ғовлар солмоқда. Бироқ фирибгарлик ва ҳарбий таҳдидлар йўли билан араб халқларининг прогрессив ривожланишини тўхтатиб қолишга, уларни ўз турмушларини ўзлари қуриш имкониятидан маҳрум қилишга мўлжалланган режалар пуч режалардир. Бу режалар ижтимоий ривожланиш мантиқига зид бўлиб, муқаррар барбод бўлади.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ҳоҳ Шарқи Жанубий Осиёда бўлсин, ҳоҳ Яқин Шарқда ёки жаҳоннинг ҳар қандай районида бўлсин, империализм қилаётган агрессив ҳаракатларга кескин равишда қарши чиқмоқдалар. Ўз ор-номусини, эркинлигини ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқлар билан ҳамиша бирдам бўлиб келмоқдамиз, биз уларга ҳамиша хайрихоҳмиз, ҳамиша амалий мадад бермоқдамиз. Биз тузган Шартномада жуда ўринли ва ўз вақтида киритилган бир модда бор. Шу моддада айтиладики, аҳдлашувчи томонлар халқаро тинчликни ва халқлар ҳавфсизлигини империализм ва реакция агрессив кучларининг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш учун чора ва тадбирлар кўрадилар.

Биз тинчлик сиёсати тарафдоримиз ва империализмнинг агрессив ҳаракатларига ва ниятларига қарши изчиллик ва қатъият билан кураш олиб борилса, тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига аминмиз. Турли социал системалардаги давлатлар ўртасида тинч-тотувлик принципларини тантана қилиши мумкин ва лозим. Социалистик мамлакатлар низоли проблемаларнинг музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиниши учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Европада ҳавфсизликни таъминлаш сингари муҳим проблемага ёндошишда социалистик мамлакатлар ҳудди мана шундай сиёсат юритмоқдалар. Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит кўпайиб бормоқда, деб айтиш учун ҳозир бизнинг фикримизча, асослар бор. Умум Европа кенгашини чақириш борасида социалистик давлатларнинг конструктив ташаббусига оқилона ёндоша бошлаган Европа капиталистик мамлакатлари тобора кўпаймоқда. Ҳозирги Европада иккинчи жаҳон уруши йилларида халқлар фашизмга қарши озодлик кураши олиб борганликлари натижасида вужудга келган сиёсий реалликларни эътироф қилмасдан туриб, яъни биринчи галда Европа давлатларининг мавжуд территориал чегаралари бузилмайдиган чегаралар эканлигини эътироф қилмай туриб, бизнинг қитъамизда мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмаслигини тушунувчилар кўпайиб бормоқда. Табиийдирки, бунда гап биринчи немис социалистик давлати, дўстимиз ва иттифоқчимиз бўлган Германия Демократик Республикасининг чегаралари тўғрисида ҳам бораётир.

Ўртоқлар! Социалистик давлатларнинг жипслиги нақадар маҳкам бўлса, ҳаракатларимиз нақадар яхшироқ координация қилинса, муштарак мақсадлар ва идеаллар учун курашдаги бирлигимиз нақадар бақувват бўлса, империализмга қарши курашдаги муваффақиятларимиз, халқаро ривожланишнинг боришига социализм кўрсатаётган таъсирнинг кучи ва чуқурлиги шу қадар каттароқ бўлади.

Социалистик мамлакатлар ўртасига нифоқ солиш, уларнинг қардошлик иттифоқини ажратиб юбориш учун бизнинг синфий муҳолифларимиз ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Империалистлар социалистик мамлакатларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйишга интилиб, макрли, табақалаштирилган сиёсат ўтказмоқдалар. Улар миллий тафовутлардан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар, у ёки бу социалистик мамлакатнинг сиёсатида аймлик тенденцияларни туғдиришга интилмоқдалар. Бироқ марксчи-ленинчилар шуни яхши биладиларки, тўғри тушунилган миллий манфаатлар социализм мамлакатларининг интернационал вазифаларига ҳеч қачон зид бўлиб тушмайди. Балки, аксинча, шу вазифаларга мос бўлиб тушади. Империализм қўпорувчилик ҳаракатлар қилиб турган шароитда коммунистлар социалистик интернационализм байроғини тағин ҳам баланд кўтарадилар, ўз сафларидаги жипслигини марксизм-ленинизм принциплари асосида тағин ҳам қаттиқ мустаҳкамлайдилар.

Социализм мамлакатларининг бирлиги мамлакатларимиздан ҳар бирининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишда қудратли қуролдир ва бутун инсониятнинг прогрессив ривожланишини енгиллаштирувчи энг зўр омилдир.

Ўртоқлар! Янги Совет—Руминия Шартномаси фақат Совет Иттифоқида ва Руминиядагина табрикланиб қолмаслигига жуда аминмиз.

Бошқа қардош социалистик мамлакатларда ҳам бу Шартнома мамнуният билан кутиб олинади. Социалистик ҳамдўстликни жипслаштиришдан иборат улуғ ишни, барча антиимпериалистик кучларни бирлаштириш ишини қадрловчиларнинг ҳаммаси бу Шартномани маъқуллаб кутиб оладилар.

Бизнинг мухолифларимиз бу Шартномага бошқа назарда қарашлари турган гап. Улар Шартномамизга нисбатан туҳматлар қилаверадилар, ҳар қандай уйдирмаларни тўқиб чиқараверадилар, деб айтсак хато қилмаган бўламиз. Антикоммунистик пропаганда билан ва унинг, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар «аралашиш», «бўйсундириш», «суверенитетни чеклаб қўйиш» ва шу каби муносабатлардан иборат деган сийқа даъволари билан етарли равишда танишмиз.

Бундай туҳматни рад этмоқ учун сўзни беҳуда сарфлашнинг ҳожати йўқ. Фактларнинг ўзи, социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг реал практикаси бундай туҳматни рад қилиб ташлайди. Совет ва румин халқлари, бошқа қардош мамлакатларнинг халқлари шуни яхши биладиларки, пролетар, социалистик интернационализмнинг олижаноб принципларига содиқ бўлган Коммунистик партиялар раҳбарлигида социалистик мамлакатлар ўртасида вужудга келган ва муваффақиятли ривожланиб бораётган чинакам тенг ҳуқуқли, бир-бирини ҳурматлашга ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган чинакам ўртоқлик муносабатларини яъни суверен ва мустақил давлатлар ўртасида вужудга келган ва муваффақиятли ривожланиб бораётган мана шундай муносабатларни ўтмишдаги тарихда ҳам, ҳозирги замонда ҳам топиб бўлмайди. Ютуқларимизнинг кўпи мана шу муносабатлар туфайли қўлга киритилган. Бу муносабатлар бутун социалистик дунёнинг ривожланишига кўмаклашмоқда. Бизнинг дўстлигимиз — жуда катта бойлигимиздир. Бизнинг душманларимиз ҳар қанча ёлгон, ҳар қанча найранг ишлатмасинлар, бу бойликни мамлакатларимизнинг халқларидан тортиб ололмайдилар. Социализм мамлакатлари ўртасидаги дўстликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантираберишга маҳкам бел боғлаганмиз, бугун Бухарестда имзоланган Шартнома буни яна бир марта яққол таъкидлаб турибди.

Ўртоқлар! Совет — Руминия ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантирмоқ учун барча объектив шарт-шароитлар мавжуд. Лекин бу — биз мўлжаллаган нарсаларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан рўёбга чиқиши мумкин деган сўз эмас, албатта. Бунинг учун коммунистлар, барча партия ва давлат ташкилотлари муайян мақсад йўлида принципиал иш олиб боришлари керак, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги йилдан-йилга тобора тўла-тўкис ва самарали бўлиши учун, халқларимиз социалистик интернационализм рухида ҳар доим тарбияланиб бориши учун муттасил ғамхўрлик қилишимиз лозим. КПСС га, Совет ҳукуматига келганда, биз сизларни ишонтириб шуни айтишимиз мумкинки, биз шу йўлдан бордик ва бундан буён ҳам оғишмай шу йўлдан бораверамиз.

Бизнинг янги Шартномамиз Совет — Руминия муносабатлари доирасидан анча кенгроқ доирани ўз ичига олади. Бу Шартнома социалистик ҳамдўстликнинг, коммунистик ҳаракатнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг мукимлашувидаги умумий жараённинг бир қисмини акс эттиради. Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги байрам қилиниши натижасида бу жараённинг ривожланишига кейинги вақтларда куч берган жуда катта воқеа бўлди.

Биз, коммунистлар Ленин иши ғоятанга қилаётганлиги билан, марксизм-ленинизм таълимоти энг яхши келажак учун тобора кенг миқёсда олиб бораётган қаттиқ курашда бутун прогрессив инсоният учун байроқ бўлиб хизмат қилаётганлиги билан фахрланишимиз мумкин. Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашидан кейин ўтган бир йилнинг ўзидагина унинг ғоялари кенг ёйилди, барча антиимпериалистик кучлар қурашнинг ривожланиши учун платформа бўлиб қолди.

Коммунистик ва ишчи партиялар, ҳозирги замоннинг прогрессив кучлари империализмга ҳужумни ривожлантиришни давом эттирмоқдалар. Барча революцион отрядларнинг жипслиги мустаҳкамланмоқда. В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги бу йил ҳамма жойда байрам қилинганлиги, Ленин ғоялари янгиданянги миллионлаб курашчиларни социализм учун курашга руҳлантираётганлигини, революцион кучларнинг қудрати ўсиб бораётганлигини, коммунистлар мана шу революцион кучларнинг олдинги сафларида бораётганликларини яққол кўрсатди. Социализм билан капитализм ўртасидаги тарихий мусобакада ташаббус социализм томонидадир. Бу курашда Совет Иттифоқи билан Социалистик Руминия, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Коммунистик партияси бир сафда турибдилар. Буни бизнинг Шартномамиз очиқ ва ойдин кўрсатиб турибди.

Ўртоқлар! Шу залда тўпланганларнинг ҳаммасини совет делегацияси номидан яна бир марта чин кўнгилдан табриклайман, қардош румин халқини чин кўнгилдан табриклайман. 14 миллион кишилик совет коммунистлари, барча совет кишилари социалистик Руминияни янада яшнатиш йўлида сизларга янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

Яшасин совет ва румин халқларининг қардошларча дўстлиги!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Коммунистик партиясининг бирлиги марксизм-ленинизмнинг, социалистик интернационализмнинг бузилмас негизида мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик!

Тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун кураш кенгаяверсин!

* * *

Ўртоқ А. Н. Косигин билан И. Г. Маурер нутқи эўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

ВЦСПС ПЛЕНУМИ

7 июлда Москвадаги Меҳнат саройида Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг навбатдаги пленуми очилди.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси ўртоқ А. Н. Шелепин доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини қизғин маъқулладилар. Улар колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, шаҳар меҳнаткашларининг актив мадади билан партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини бажара бориб, 1966—1969 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришганликларини таъкидлаб ўтдилар. Бу муваффақиятлар Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш—уни механизациялаш, минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш, ерларни мелиорация қилиш ва колхоз ҳамда совхозларни ривожлантиришда иктисодий стимулларни ошириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш натижасида қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда, дейилди Пленумда, касаба союзлари муҳим роль ўйнашлари керак. Касаба союзлари комитетлари КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорларини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладини меҳнаткашларга ҳамма жойда тушунтиришни ташкил этишлари керак.

Бу ишни шундай уюштириш керакки, ҳар бир ишчи, колхозчи, ҳар бир мутахассис, ҳар бир хизматчи қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш негизида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш — халқимизнинг яқин вақт ичидаги асосий ва биринчи даражали вазифаларидан бири эканлигини тушунсин.

Бутун тушунтириш иши ҳар бир қишлоқ хўжалик коллективида, ҳар бир саноат, қурилиш, транспорт коллективида ва хизмат кўрсатиш доираларида КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини бажаришда иштирок этиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш билан бирга қўшиб олиб борилиши керак. Қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союз комитетлари, касаба союзлари Советлари ўзларининг диққат-эътиборларини асосий вазифага — ҳосилдорликни янада ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ер, техника, ўғит ва бошқа меҳнат ресурсларидан анча самаралироқ фойдаланиш негизида дон, пахта, қанд лавлаги, кунгабокар, зиғир тола етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришга қаратишлари керак. Украина касаба союзлари республика Советининг раиси ўртоқ В. К. Клименко, Қозоғистон касаба союзлари республика Советининг раиси ўртоқ К. А. Егизбоев, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси ўртоқ И. Ф. Шкуратов ва бошқалар пленумда шу ҳақда гапиришди.

Докладчи ва пленумда сўзга чиққан нотиқлар чорвачилик маҳсулотини кўпайтиришнинг энг муҳим манбаи бўлган чорва туёғини кўпайтириш учун актив курашга касаба союз ташкилотлари ишчиларни, колхозчиларни ва мутахассисларни тағин ҳам кенг жалб этишлари лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

Озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ва енгил саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари, қишлоқ хўжалик ва ғайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзлари Марказий Комитетлари, касаба союзларининг Советлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни қайта ишловчи саноат қувватларини кенгайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Пленуми белгилаб берган тадбирларни амалга оширишда касаба союз ташкилотларининг актив иштирокини таъминлашлари лозим. СССР қишлоқ қурилиши министри ўртоқ С. Д. Хитров ўз нутқида, жумладан шу ҳақда гапирди.

Химия саноати ва минерал ўғит ишлаб чиқарувчи бошқа саноат тармоқларидаги, темирйўл ва сув транспортидаги, қишлоқ хўжалигидаги касаба союз ташкилотлари ишчилар билан колхозчиларни минерал ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳамда уни ташиш вақтида тўла сақланишини таъминлашга, шунингдек ҳар бир колхоз ва совхозда ундан фойдаланишни яхшилашга сафарбар қилишлари зарур.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини техника билан тезроқ қайта қуроллантириш, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш жуда муҳим вазифадир, дейилди Пленумда.

Касаба союз Советлари, саноат корхоналари касаба союз комитетлари хўжалик органлари билан биргаликда коллективларни тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг запас қисмларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сафарбар қилишлари, шу машиналарни ишлаб чиқариш технологияси талабларининг бажарилиши ва маҳсулот сифати устидан қаттиқ контроллиқни таъминлашлари лозим.

ВЦСПС Пленумида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, колхоз ва совхозларнинг касаба союз ташкилотлари тракторлар, комбайнлар ва автомашиналардан фойдаланишни яхшилашга, уларни икки сменада ишлатишни ташкил этишга, техника ремонти ва унга хизмат кўрсатишнинг прогрессив методларини жорий этишга ҳаракат қилишлари керак.

Олтой ўлкаси Павлов районидаги «Комсомольский» совхозининг тракторчиси ўртоқ О. А. Ипонешникова Пленумда сўзга чиқиб касаба союзлари ишчилар билан колхозчиларга ўз маҳоратларини оширишда доимо ёрдам беришлари, комсомол билан биргаликда қишлоқ мактаблари юқори синфларининг ўқувчиларига механизаторлик касбини ва қишлоқ хўжалигининг бошқа касбларини ўргатиш ишини кенг кўламда авж олдириб юборишлари, қишлоқ жойларида ҳунар-техника билим юртлари қуриш ва қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрлаш планларини бажаришда ҳунар-техника таълими органларига ҳар томонлама ёрдам беришлари кераклиги тўғрисида гапирди. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг сут соғувчиси ўртоқ А. В. Чудная чорвадорлар меҳнатини ташкил этиш тажрибаси тўғрисида гапириб берди.

Қишлоқ касаба союз ташкилотлари олдида бригадалар, фермалар, колхозлар, совхозлар ва районлар коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида катта вазифалар турибди. Улар ўзаро текшириш ва хўжалик фаолиятини анализ қилиш практикасидан кенг фойдаланишлари керак.

Ишчилар билан хизматчиларни КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1970 йил ҳосилини йиғиштириб олишни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажаришга сафарбар қилиш касаба союз комитетлари ва советларининг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси эканлигини докладчи ҳам, нотиқлар ҳам таъкидлаб ўтдилар.

ВЦСПС пленуми 8 июлда бу масаланинг муҳокамасини давом эттирди.

8 июль — Ғалла ўрим-йиғими

Республика областларида ғалла ўрим-йиғими ва дон тайёрлашнинг борыши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

1 - стун — бир кунда ўрилган майдон (гектар ҳисобида); 2 - стун — мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида); 3 - стун — планнинг бажарилиш процанти, 4 - стун — бир кунда тайёрланган дон (тонна ҳисобида), 5 - стун — мавсум бошидан буён (тонна ҳисобида), 6 - стун планнинг бажарилиш процанти.

Андижон	—	8700	100,0	76	356	—
Фарғона	61	4479	91,4	8	356	—
Сирдарё	2817	164730	89,9

СОЦИАЛИСТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ГАРОВИ

Г. ГУСАК НУТҚИ

ПРАГА, 7 июль. (ТАСС). Братислава яқинидаги қадимий славян қалъаси Девинда традицион дўстлик байрами бўлиб ўтди. Шу байрам билан Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланиб ЧССРда ўтказилаётган юбилей тантанаси тугади. Шу байрамда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак сўзга чиқиб, бундай деди:

Бизнинг вазифамиз чех ва словак халқларининг биродарлигини мустаҳкамлашдан, социализм лагерининг ғарбий чегарасидаги мустаҳкам қалъа бўлган ишчилар билан деҳқонлар социалистик давлатимизни мустаҳкамлашдан иборат.

ЧССРда социалистик тузумни мустаҳкамлаш, ишчилар синфи билан меҳнаткаш халқнинг давлати бўлган Чехословакия социалистик давлатини мустаҳкамлаш, унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш зарурлигини Г. Гусак таъкидлаб ўтди. Ўтган 25 йил мобайнида, деди у, ЧССРда социалистик қурилишда каттакатта муваффақиятларга эришилди. Меҳнаткаш халқимизнинг, айниқса ишчи билан деҳқоннинг турмуши нақадар ўзгариб кетганлигини ҳар бир киши ўзининг шахсий тажрибасида кўриб ишонч ҳосил қилиши мумкин. Ҳозир социалистик Чехословакия кишилари 30 йил аввалгига қараганда тамомила бошқача социал ва маданий шароитларда яшамоқда.

Сўнгра Г. Гусак ЧССР чегараларини империалистик хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида гапириб, бундай деди: Меҳнаткаш халқимиз ўтмишдаги, аввало иккинчи жаҳон урушидаги сабоқни унутмаган ҳолда ўз хавфсизлигини Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар билан боғлашга қарор берди. Худди шуни биз ЧССР халқлари осойишта ҳаётининг ва социалистик жамиятимиз тинч ривожининг гарантияси деб биламиз.

ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари 1968 йил воқеаларига тўхталиб қуйидагиларни айтди: Афсуски, ўша вақтда партиямизнинг ўнг унсурлар тобора устунлик қила бошлаган заиф раҳбарлиги камчиликларни танқид қилишдан фойдаланиб қолишларига ва бу танқидни социалистик жамият негизларига қарши қаратишларига йўл қўйиб берди. Ўша раҳбарлик миллатчи, антисоциалистик, антисовет оқимларга одамларнинг ҳаётимизни яхшилашга қаратилган муддаоларини суиистеъмол қилишларига имконият бериб қўйди. Мамлакатимизда 1945 ва 1948 йилларда тор-мор келтирилган реакцион кучлар шу даврда подпольедан ва хилват жойлардан чиқиб олдилар. Улар социализм нуқсонларини танқид қилиш ниқоби остида, аслида 1948 йилгача ва ҳатто 1945 йилгача ҳукм сурриб келган тартибларни қайтадан ўрнатишга, социалистик жамиятимизни бузишга, давлатимизни улуғ социалистик лагердан ажратиб ташлашга уринди.

Ўша вақтда империалистик пропаганда, деди нотиқ сўзини давом эттириб, одамларнинг олижаноб хис-туйғуларини суиистеъмол қилган ана шу ҳамма сохта пайғамбарлар ва фаришталарни хаддан ташқари мақтаб турди, чунки у жамиятимизни бузиш йўлидаги уриниши ва социалистик лагерга путур етказиш йўлидаги уриниши юришаётганлигини кўрди.

Ўтган йил ичида биз ана шу кучларни маглубиятга учратдик. Давлатимизда осойишталик ўрнатдик, миллион-миллион кишиларимизнинг ижодий меҳнат қилишлари учун яна шарт-шароит яратиб бердик, республикани янада равнақ топириш учун негиз солдик. Партиямиз Марказий Комитети ўзининг июнь Пленумида 1969 йил апрель ва май Пленумларидан кейинги ишга якун ясади, сиёсий ва иқтисодий жиддашиш натижаларига баҳо берди.

Шуни айтиш мумкинки, деди сўнгра Г. Гусак, биз сиёсат ва экономика соҳасида одамларимизнинг яшаши ва меҳнат қилиши учун нормал шароитларни қайта тиклаб олишга, халқ хўжалигини нормал ривожлантиришни қайта тиклашга, одамларимизнинг соғлиқ ғалабаларини ҳимоя қилишга ва жамиятимиз, давлатимиз ва партиямиз учун нормал турмуш шароитлари яратишга муваффақ бўлдик. Миллион-миллион меҳнаткашлар ўз иш жойларида туриб, бу ишга сиёсий жиҳатдан ёрдам бердилар ва шу тарзда бугун шуни айта оламизки, биз энг мушкул тангликни бартараф қилдик, биз оғир хатарли мушкул пайтларни енгиб ўтдик ва халқимиз энди келажакка осойишта назар ташлаши мумкин.

Шу йил мобайнида Чехословакиядаги реакцион кучлар ва дунёдаги империалистик пропаганда ўзининг бутун куч-ғайратини партиямиз билан миллион-миллион меҳнаткашларимизнинг жипслашиш соҳасидаги ана шу катта иши натижаларини йўққа чиқаришга қаратдилар. Бу ғал ҳам улар Марказий Комитетнинг июнь Пленуми тезарагида Чехословакияга қарши ва халқимиз меҳнатининг натижаларига қарши зўр бериб кампания олиб бормоқдалар.

ЧКП Марказий Комитетининг ана шу Пленуми муносабати билан, деди Г. Гусак, иккинчи даражали бир масала — А. Дубчек Чехословакия Коммунистик партиясидан ўчирилганлиги хусусида катта шовқин-сурон кўтарилди. Дубчек ЧКПдан нима учун чиқарилди? У партиямиздан шунинг учун чиқарилдики, у партияга жуда қисқа давр ичида раҳбарлик қилган чоғида партиямизни шу вақтгача мисли кўрилмаган даражада тубанлаштириб юборди. У жамиятимизни, жамоат ташкилотларини, касаба союзларини, ёшларни шу даражада тубанлаштириб юбордики, халқ хўжалигимизни шу даражада инфляцияга дучор қилдики, шу даражада издан чиқариб юбордики, биз жар ёқасига — таназзул даражасига келиб қолган эдик. Халқаро муносабатлар соҳасида у СССР ва бошқа иттифоқчи давлатлар билан иттифоқни узди, натижада Чехословакия зўр хавф-хатар шароитида якланиб қолди.

Дубчек партиядан чиқарилганлигининг сабаби ана шундай. Ҳозирги вақтда буржуа, империалистик пропаганда шу масала хусусида шовқин-сурон кўтармоқда. «Свободная Европа» ва шу сингари бошқа радиостанцияларга хўжайинлик қилаётган айни империалистик доиралар нима учун шундай қилмоқдалар? Бунинг сабаби шуки, бундай қилиш уларнинг планларига мос келмоқда, бунинг сабаби шуки, 1968 йилги Чехословакиядаги таназзул, социалистик лагернинг улар ўйлаган ёки истаган таназзули уларга жуда мақбул келар эди. Афсуски, деди Г. Гусак, Ғарбдаги айрим прогрессив кишилар ҳам ана шу буржуа пропагандаси тазйиқига бардош бера олмадилар. Лекин умид қиламизки, улар масалани тўғри тушуниб оладилар ва тўғри йўлни топа оладилар.

Шу воқеа муносабати билан партия раҳбарлиги ичида қандайдир ихтилофлар бор, деган бемаъни уйдирмалар ҳам тарқатилмоқда, деди сўзини давом эттириб нотиқ.

Мен сизларга шуни айта оламанки, Дубчекни партиядан чиқариш масаласида ҳам, қолган ҳамма асосий масалаларда ҳам партия ва давлат раҳбарлиги тўла якдилдир, партиямиз Президиумида ва Марказий Комитетда тўла якдиллик ҳукм сурмоқда.

Шу кунларда бутун давлатимизда партия активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Шу йиғилишларда Дубчекни партиядан чиқариш масаласида ҳам, ўтган йил якунларига баҳо бериш ва шу якунларни жамлаш масалаларида ҳам, шунинг-дек келажакка мўлжалланган истиқбол планларимиз хусусида ҳам ҳамма коммунистларнинг мутлақ якдиллиги намоён бўлди.

Бу ўринда гап расмий якдиллик тўғрисида эмас, қандайдир мавҳум якдиллик тўғрисида эмас, балки принципиал якдиллик тўғрисида, марксизм-ленинизм принципларига асосланган якдиллик тўғрисида бормоқда.

Ҳозир партиямиз билан давлатимизга зафардаст раҳбарлик бошчилик қилмоқда, бу раҳбарлик партия белгилаган программани аниқ мақсадни кўзлаб якдиллик билан амалга оширмоқда. Биз, деди сўнгра Г. Гусак, партия билетларини айирбошламоқдамиз, партия бирлигини раҳбарликдан тортиб бошланғич ташкилотларгача принципиал асосларда мустаҳкамламоқ учун партиядаги айрим кишилардан халос бўлмоқдамиз. Ҳеч қандай буржуа пропагандаси ҳар қандай важ-корсонларни кўрсатмасин, бизни бу йўлдан чалғита олмайди.

Ўтган йил мобайнида Чехословакиядаги бузғунчи кучларга қарши ва чет элдаги империалистик пропагандага қарши олиб борилган қийин курашда биз миллион-миллион кишиларимизнинг бундан буён ҳам ижодий меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратдик.

Партия ва давлат раҳбарлиги ҳозир бутун эътиборни энг зарур хўжалик ва социал муаммоларни ҳал этишга қаратмоқда, деди ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари. Биз бутун диққат-эътиборни шу йилги халқ хўжалик планини якунлашга, 1971 йил планини ва келгуси беш йил планини ишлаб чиқишга, шунингдек энг зарур хўжалик масалаларини ҳал этишга қаратмоқдамиз. Биз бутун диққат-эътиборни миллион-миллион меҳнаткашларимиз учун социалистик демократияни ривожлантиришга ва аввало, халқ хўжалигимизни ривожлантиришга меҳнаткашларнинг социал аҳволини яхшилашга қаратмоқдамиз. Бу соҳада биз яхши натижаларга эришдик. Ғарбдагилар жамиятимизни сиёсий соҳада жипслаштиришга муваффақ бўлаётганимизни кўриб хўжалик проблемаларини ҳал этишга муваффақ бўла олмаслигимизни аввалдан айтиб қўйдилар ва шу гапни рўкач қила бердилар. Заводлардаги миллион-миллион меҳнаткашларнинг ва қишлоқдаги миллион-миллион меҳнаткашларнинг ҳалол меҳнати, актив қўллаб-қувватлаши туфайли биз қишлоқ хўжалигида ва ҳамма бошқа соҳаларда бу вазифани ҳам ҳал этишга муваффақ бўлдик.

Биз давлатимизда шундай шароитларни вужудга келтиришга интилмоқдамизки, натижада чехлар билан словаклар, майда миллатларимизнинг намояндалари бу давлатни ўзларининг бахт уйлари деб билсинлар, у билан фахрланадиган бўлсинлар. Улар шу давлатда яшаётганликлари билан, улар ўз меҳнатлари туфайли унинг равнақига кўмаклашаётганликлари билан ва Чехословакия социалистик давлати социалистик лагердаги мустаҳкам бўғин бўлиб қолиши билан фахрланадиган бўлсинлар.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

ПХЕНЬЯН. (ТАСС). Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунга 9 йил тўлиши муносабати билан «Манчжу чосон» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ана шу Шартноманинг тузилиши ҳар иккала мамлакат халқларининг ўз хавфсизлигини, революция ғалабаларини, жанговар дўстлик ва жипслиқни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаганликларини намойиш қилди.

Газета таъкидлаб ўтганидек, Шартнома корейс ва совет халқлари ўртасидаги традицион дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, шунингдек уларнинг империалистлар ўтказиб келаётган агрессия сиёсатига қарши курашига қўшилган катта ҳисса бўлди. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган қардошларча дўстлик ҳамда мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари, деб ёзади газета, барча социалистик мамлакатларнинг қудратини мустаҳкамлайди ва ҳар иккала мамлакатда социализм ҳамда коммунизм ғалабаси ишига ҳисса қўшади.

Ҳозирги вақтда, деб уқтириб ўтади «Манчжу чосон» газетаси, СССР ва Корея Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги жанговар дўстлик ҳамда жипслик мустаҳкамланиб бормоқда. Корейс халқи ана шу дўстлик ва бирликни ғоят қадрлайди. Қардош совет халқи корейс халқини Япония империализми зулмидан халос қилишга кўмаклашганлигини ва озодлик ҳамда мустақиллик учун, янги жамият қуриш учун курашда моддий ва маънавий жиҳатдан катта ёрдам берганлигини корейс халқи ҳеч қачон эсдан чиқармайди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

АНГЛИЯНИНГ Бирмингемдаги автомобиллар учун запас қисмлар тайёрловчи «Лукас груп» заводларининг ишчилари иш ҳақининг оширилиши учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Забастовка натижасида автомобиль ишлаб чиқарувчи бир қанча заводлар тўхтаб қолди.

ДОМИНИКАНА республикасининг меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун курашни давом эттирмоқдалар. Бонао шаҳри яқинидаги никель конларининг шахтёрлари иш ташладилар. Улар ҳаддан ташқари оғир меҳнат шароитига қарши норозилик билдирмоқдалар ва қонунга хилоф суратда ишдан бўшатилган ўртоқларини қайтадан ишга жойлаштириш учун курашмоқдалар. Қўшинлар ва полиция отрядлари иш ташловчиларга қарши сафарбар қилинди. Шахтёрларнинг кўпи камоқда олинди.

ПЕРУДА Американинг «Серро де Паско Коппер корпорейшн» компанияси шахтёрларидан бир мингдан ортиқ киши иш ташлади. Улар ўз ваколатларига хилоф иш кўраётган ва коллектив шартномага риоя қилмаётган компаниядаги американлик раҳбарлардан бир неча киши ишдан бўшатилсин, деб талаб қилмоқдалар.

АРГЕНТИНАНИНГ Тукуман шаҳридаги қанд—шакар заводининг ишчилари корхонани ишгол қилдилар. Ишчилар иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслигига ва оғир меҳнат шароитига қарши норозилик билдирмоқдалар.

АҚШДАГИ катта Чикаго юк машиналари ҳайдовчиларидан 40 минг киши қаттиқ кураш олиб бориб, иш ҳақининг оширилишига муваффақ бўлишди. (ТАСС).

«РА-2» МАНЗИЛИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). ЮПИ агентлигининг Клиру-Отердан (Флорида штати) хабар беришича, Атлантика океанидан сузиб ўтаётган папирусдан ясалган «РА-2» қайиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тадқиқот кемаси «Каламар»и билан учрашди. Бу кема 26 июнда атайин папирус «крейсери» қаршисига чиққан эди. Бу учрашув сузишнинг охирги манзили бўлмиш Барбадос оролидан 580 миля шарқи-шимолда бўлди. Папирус қайиқ 2634 миля масофани сузиб ўтди.

«Саёҳатимизнинг 45 куни мобайнида «РА» экипажи, — деди бу ғаройиб саёҳатнинг раҳбари Т. Хейердал, — биринчи марта одам башарасини кўрди. 17 майда қайиқ Марокашнинг Сафи портидан чиқиб кетганидан бери биз на кема, на ҳатто самолётни кўрганимиз йўқ».

Хейердал «РА-2» интернационал экипажи аъзолари ўзларини қандай ҳис қилаётганликлари тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб: «Қайиқда ҳамма иш жойида», деди.

КЕСКИНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛОНДОН. 6 июль. ТАСС мухбири В. Осипов хабар беради:

Инглиз солдатлари ва полиция отрядлари 4 июлда Белфастнинг католиклар яшайдиган маҳаллаларида ёппасига тинтув ўтказдилар. Белфастда шу пайтгача тунда қонли воқеалар рўй берган эди. «Ғалаёнлар бошланган районларнинг 50 кўчасидаги ҳар бир уй,—деб ёзади «Санди телеграф» газетаси, — синчиклаб кўздан кечирилди».

Уч минг инглиз солдати ва броневиклар Белфаст кўчаларида сочилиб қилиб юрибди. Инглиз қўшинларининг янги бўлинмалари ва неча ўнлаб броневик Ольстерга юборилаётгани эълон қилинди.

Ольстер полициясининг бошлиғи А. Янг қўшинлар ва полиция «тартиб сақлаш учун» бундан буён ҳам қуроллардан фойдаланади, деб аҳолини огоҳлантирди. Одамларнинг уйларидан чиқишларини тақиқловчи буйруқ берилди.

Пресс Ассоциэйтед агентлигининг хабарида айтилишича, 4 июлда Белфастда 160 киши суд қилинди. Булар маъмурларга қарши «қонунга хилоф зўравонлик» қилишда айбланадилар.

Қамоққа олиш давом этмоқда.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА



Чехословакиянинг Дубниц адаги металлургия комбинати Совет Иттифоқининг буюртмаси билан кўпгина жиҳозлар ишлаб чиқармоқда. Суратда: СССРга экспорт учун юборилиадиган жиҳозларни монтаж қилиш пайти акс этган. ЧТК—ТАСС фотоси.

БОЛГАРИЯ. Суратда: Варнадаги «Черно море» манометр заводи. Бу янги завод ускуналарининг кўпгина қисми СССР ва Чехословакиядан келтирилган. Завод ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 70 процанти Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларига экспортга чиқарилади.

БТА—ТАСС фотоси.

ИТАЛИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

РИМ, (ТАСС). Италиянинг христиан-демократ М. Румор бошчилигидаги «сўл марказчи» коалицион ҳукумати истеъфо берди. Министрлар советининг мажлисида шу ҳақда қарор қабул қилинди.

Журналистларнинг айтишига қараганда, областларда ижроий органлар тузиш масаласи устида ҳукумат ичида ихтилоф чиққанлиги бунга сабаб бўлган.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 7.40 — Пахтакорлар ҳақида қўшиқлар. 8.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар. 9.30 — Ғ. Қодиров. Иккинчи сюита. 10.30 — Ёш ижрочилар концерти. 11.15— «Аҳолига граждан мудофааси ҳақида». 11.30 — Ўзбек кинофильмларидан куйлар. 12.15 — «Олмалиқ рух заводи қурилишида». 12.25 — Олмалиқ рух заводи қурувчилари учун концерт. 13.30 — Арманистон солистлари ва эстрада оркестрининг концерти. 16.10 — Маданият университети. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Тошкент Давлат университети «Дилнавоз» ансамблининг концерти. 18.00 — «НОТ — ишлаб чиқаришга» туркумидан. Чирчиқ шаҳар партия Комитетининг биринчи секретари Ф. Еқубов суҳбати. 18.10 — Б. Гиенко. Украина сюитаси. 19.20 — Татаристон композиторлари асарларидан концерт. 20.00 — «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 — Вальслар. 22.40 — Н. Шодиев. «Истеъдод». 23.15 — «Наво» мақомидан парчалар. 24.00 — Тунги концерт.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Уч ёқлама текширув — «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11, кундуз 4, кеч 9 да).

Яшасин севги! — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

Қора лола — «ДРУЖВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (1 ва 2 серия) — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ва кеч 6 да).

Қашқирлар ороли — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Уч ёқлама текширув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Онам эрга тегди — «ХИВА».

Эркак ва аёл — «РАКЕТА».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИДА

11, 12 ИЮЛДА

(кураш майдонида)

ҚЎҚОНЛИК ЕШ ХУШОВОЗ ХОНАНДА

НАЗИРЖОН НАЗАРОВ

МАРҒИЛОНЛИК СЕВИМЛИ ХОНАНДАЛАР ОПА-СИНГИЛ

ДИЛОРОМХОН ВА РИСОЛОТХОН ЗОКИРОВАЛАР

ТОШКЕНТЛИК ХОНАНДАЛАР

Хожиқанбар ҲАМИДОВ, Шомурод ФАРМОНОВ, Рустамжон ХОЛИҚОВЛАР.

ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ

ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИ, 75«а» УЙГА

КЎЧИБ ЎТДИ

Справкалар учун телефонлар: 53-06-65, 53-07-87, 53-07-74.

КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАР ИНСТИТУТИ ВА ОЛИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ

кундузги бўлимнинг биринчи курсига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Киев граждан авиацияси инженерлар институтида ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой; олий авиация билим юртида эса — 5 йил.

Институтга 35 ёшгача бўлган эркаклар, билим юртига 23 ёшгача бўлган ўрта маълумотли, граждан авиациясида ишлаш учун соғлиги яроқли бўлган ва конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганлар қабул қилинади.

Институт: механика, аэропортлар, электротехника, радиотехника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, иқтисодчи-инженерлар факультетларига эга, улар самолётлар ва авиация двигателлари эксплуатацияси бўйича инженерлар, аэропортлар эксплуатацияси радио ва электр ускуналари, математика ва ҳисоб ечиш асбоблари ҳамда қурилмалари бўйича инженер-электриклар, иқтисодчи-инженерлар тайёрлайди.

Олий авиация билим юртида штурман факультети мавжуд, Факультет граждан авиацияси самолётларининг учишига штурманлар тайёрлайди.

Студентларга форма кийим (25% қиймати тўланади) ва стипендия берилади. Институт қошида ётоқхона бор.

Штурман факультети курсантлари: стипендия, форма кийими (бепул), ётоқхона (казарма ҳолатида) бепул овқат билан таъминланадилар.

Конкурсли кириш имтиҳонлари ўрта мактаб программаси ҳажмида: математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо)дан ўтказилади.

Аризалар ва ҳужжатлар 25 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Мурожаат учун адрес: Аэропорт, қабул комиссияси.

159 ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 10 ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

гишт терувчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, бетончилар, арматурчилар, ёрдамчи ишчилар

ҚЕРАК

Иш ҳақи — ишбай-мукофотли.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона, Тошкентда рўйхатдан ўтганларга навбати билан уй берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Металлистлар кўчаси, кадрлар бўлими (56 ав. тобусининг сўнгги, 7 троллейбусининг «Чукурсой» бекатлари).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 333793. Редактор ўринбосарлари — 337914 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. 337221. Марксизм-ленинизм назарияси ва пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. 331216 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679. 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249. 330250. 330251. 330252. 330253. 330254. 330255. 330256 330257 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 3—31—42, Қарши —38—42, Нукус —42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Урганч 34—55, Гулистон —22—09.

№ Г. — 159. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 04214.